# ЛАНГАР БОЙЛИКЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган гранит блоклари ва шпатнинг бешдан уч қисми Россия томонларга жўнатиларди-да. Бунинг устига, республикамиздаги ушбу маҳсулотлар билан ишлайдиган аксарият корхоналар иқтисодий заифлиги туфайли қарзларини ўз вақтида тўлай олмади. Натижада ер ости бойликларини қазиб олиш миқдори кескин камайиб кетди. Эски техника ва механизмлар ҳам анча панд берди. Шу тариқа катта салоҳиятларга эга корхона инқироз ёқасига келиб қолди.

Хўш, инқироздан чиқиш йўли борми? Излаган имкон топар экан. Муаммолар ўлчови давр тарозисидан ўтказилди. Раҳбарият малакали, ёш мутахассислар ҳисобига тўлдирилди, корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бир неча цехлар очилиб, янги иш ўринлари яратилди, ҳамкорлар изланди.

Бу ерда Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилгач, бошқа муаммолар ҳам ўз ечимини топаверади. Йилига 4,5 минг куб метр гранит харсанглари, 30 минг тонна дала шпати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти яратилди. 200 нафар йигит-қиз янги иш ўринларига эга бўлди.

Қарабсизки, корхона маҳсулотлари сифати, мустаҳкамлиги, харидоргирлиги билан кўпчилик диққатини тортди. Яқиндагина 23,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги гранит блоклари Москва шаҳрига жўнатилди. Тошкент, Фарғона, Қувасой, Самарқанд шаҳарларидаги чинни ва керамика заводлари етарлича хомашё билан таъминланмоқда. Хуллас, қўшма корхона ўзининг янги технологияси билан кончилик саноати салоҳиятини янада юксак поғонага кўтаришга хизмат қилаяпти.

— Юртимиз замини шу қадар бойки, ундаги заҳиралар мустақил давлатимизнинг табиий маъданларга бўлган эҳтиёжини зиёди билан қондириш имкониятига эга, — дейди корхона раҳбари Абдуваҳоб Абдуллаев. — Мана, биргина қўрғонимиз атрофидаги кон заҳираларини олиб кўрайлик. Ҳозир ишлаб турган коннинг ўзидаги хомашё юз йилга бемалол етади. Сал наридаги «Марказий» ва «Сувайиргич» шпат конлари заҳиралари ҳам юз-юз эллик йилга мўлжалланган. «Кўксарой», «Азлартол» конлари заҳиралари эса ундан-да кўпроқ.

Пачир ва Олтинсой қишлоқларидаги гилмоя конларида чинни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган каолин (оқ тупроқ), соз тупроқ, талк, кварц каби минераллар бисёр.

Билсангиз, бойитилган каолин қўшилмаган чиннининг оддий сопол буюмдан фарқи қолмайди. Турли бўёқ ва ўтга чидамли ғиштлар ишлаб чиқаришда ҳам каолиннинг ўрнини босадиган нарса йўқ. Қаранг, дунёда энг қиммат ҳисобланадиган хомашёлардан бири шунчаки кон сифатида фойдаланилмай ётибди.

Яна силикат тошларини суюлтириб, суюқ шиша елими ҳолида қурилишга етказиб бериш имкониятига ҳам эгамиз. Автомобилларнинг олд ва орқа ойналари, шиша идишлар, банкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Келажакда чинни заводи очса ҳам бўлади. Чунки бизнинг гранит лейкократ, яъни магманинг қаймоғи бўлиб, ўзининг оқ, софлиги, зарарсизлиги билан ажралиб туради. Хуллас, шундоқ ёнимизда табиий бойликлар ҳам, унинг турлари ҳам беҳисоб.

Хабарингиз бўлса, бундан уч йил аввал Италиянинг Верико шаҳрида дунёдаги мармар, гранит сингари тошларга ишлов берадиган ускуналар ишлаб чиқарувчи ва қазиб олувчи корхоналарнинг вакиллари йиғилиш анди. Унда конларимиздан қазиб олинаётган гранитлар дунёда пишиқ, рангли, мустаҳкамлиги бўйича энг сифатлиларидан, деб ҳисобланди. Бир қатор давлатларнинг ишбилармонлари эса биз билан шартномалар тузиш истагини билдирдилар.

Яқинда кварц, шпат ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Хориж билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Харидорлар сони кун сайин ошаяпти. Кўрасиз, яқин орада мўъжаз қўрғонимизнинг довруғи узоқ-узоқларда ҳам эшитилади.

Ҳақ гап. Асрлар бўйи эътиборсиз ётган Лангар бойликлари бугун юрт равнақига хизмат қилмоқда. Аслида ҳам шундай бўлиши керак-да!

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фермер хўжалиги:
# ҚОНУН УСТУНМИ, МАНФААТ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин, афсуски, улар орасида шартнома мажбуриятларини бажармаётган, ернинг умрини беҳуда ўтказаётганлари ҳам бор. Асосий соҳа ҳисобланган пахтачиликни олиб кўрайлик. Ўтган йили "Равшанак", "Чорвадор", "Семурғ", "Орол", " Даромад сари", "Бўрибой", "Олимжон", "Пўлат ота", "Орзу-А", " Анвар", "Болибой" фермер хўжаликлари режани барбод қилди. Шу боис ушбу фермерларнинг айримларидан ер қайтариб олинди. "Бозорқул ота", "Осиё", "Нурмамат", "Зироатчи" каби ўнга яқин фермер хўжалигининг фаолиятига эса чек қўйилди.

Ғаллачилик соҳасида ҳам худди шунга ўхшаш камчиликлар кўзга ташланади. Масалан, ғалла мўл бўлган ўтган йилда 56 та фермер давлат буюртмасини бажара олмади.

Хўш, нега бундай аҳвол юзага келмоқда, деган табиий савол туғилади. Нима учун фермерлар ердан мақсадсиз фойдаланиб ёки мўлжалдаги ҳосилни ололмай, маҳсулот етиштиришни пасайтириб юбориб, ернинг умрини беҳуда ўтказмоқдалар? Назаримизда, бунинг асосий сабаби фермерларни танлашда юзакичиликка йўл қўйилаётганлигидадир. Хусусан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда «Катта тажрибага эга, деҳқончилик соҳасида узоқ йил ишлаган кишилар танлов асосида фермерликка қабул қилинади», дейилган.Таассуфки, ушбу Қонун талаблари бузилмоқда. Шу боис бу ишга деҳқончиликни яхши тушунмайдиган, тасодифий одамлар ҳам кириб қолмоқда. Ҳаммаси бўлиб ўтган йили туман бўйича 129,3 гектар майдонга белгиланганидан кам чигит экилганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Биз тумандаги фермерлар фаолияти билан яқиндан танишгач, уларнинг ишига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳам борлигига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, «фонд кам» деган баҳонада ерни ҳайдаш, экинларга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш учун етарли миқдорда ёнилғи-мойлаш материаллари ажратилмаяпти. Натижада фермерлар ўз вақтида дала ишларини бажара олмаётир. Бу, табиийки, ҳосилдорликка салбий таъсир қилмоқда.

— Дала ишларини оби-тобида бажариш учун етарли миқдорда солярка ажратилмайди, — дейди А. Мавлонов номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Ҳайитқул ота" фермер хўжалиги бошлиғи Муҳиддин Рустамов. — Ихтиёримизда 12 гектар ер бўлиб, ярмида пахта, қолганида ғалла етиштирилади. Лекин ўзимизга зарур бўлган ёнилғини ололмай қийналаяпмиз. Ўтган йили кузда олинган 720 литр солярка ерни шудгорлашга етди, холос. Пировардида ёнилғини нақд пулга сотиб олишга мажбур бўлаяпмиз.

Биз бунинг сабаблари билан қизиқдик. Аслида ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари туманга вилоят деҳқон ва фемер хўжаликлари вакиллиги, уларга эса республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ажратилади. Уюшма раҳбарлари бу ишга жиддий қарашлари, ҳар бир ҳудуддаги ернинг шарт-шароити, экинлар ҳолати, режадаги ҳосилдорликни ҳисобга олиб, ёнилғи ажратишлари керак эмасми? Агар зарур бўлса, мазкур масалани тегишли идоралар билан биргаликда ечиш зарур. Бу муаммо ҳал этилмас экан, кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди.

Ғўза ва ғалла майсаларини парваришлашни минерал ўғитларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин туманда ғалати аҳволга дуч келдик. Кўпчилик фермерлар «Фосфорли ва калийли ўғитларнинг нархи қиммат», деб уларни умуман олишмаяпти. Масалан, ўтган йили уларга тақсимот бўйича 238 тонна фосфорли, 49 тонна калийли ўғит ажратилган эди. Аммо туман фермерлари ҳаммаси бўлиб уч тонна фосфорли ўғит олишди, холос. Калийли ўғитдан эса бир килограмм ҳам ерга солинмади.

— Ўғитларнинг ҳозирги нархини ҳамёнимиз кўтаролмайди, — дейди Ойбек номли ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Файз" фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Файзиев. — 22 гектар ерда пахта ва ғалла етиштирамиз. Ҳар йили режаларни зиёди билан бажарамиз. Нархи нисбатан арзон азот ўғити эса кам берилади. Масалан, бир гектарга 98 килограмм азот ажратилади. Аслида меъёр бўйича 300 килограмм қилиб белгиланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хўш, деҳқонларнинг эътирози ўринлими? Олинаётган ҳосил қанча-ю, унга сарфланаётган харажат қанча? Тошкент вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси Бекобод тумани филиали мутахассисларининг маълумотларига кўра, ўтган йили фосфорли ўғит таркибига кирувчи аммофоснинг бир тоннаси 140 минг сўм бўлган. Жорий йилдаги нархи яна бирмунча ошган. Бу, албатта, фермерлар учун оғирлик қилади. Беихтиёр шундай савол туғилади. Ўзи ўғит самара олиш учун ишлаб чиқариладими ёки зарарни кўпайтириш учунми? Бу, саволни "Ўзкимёсаноат" компанияси раҳбарларига қаратмоқчимиз.

Туман ҳокимлиги, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллигидаги баъзи мутахассислар бу масалани кейинги пайтда фермерлар ерга кўпроқ маҳаллий ўғит солишаётганлиги боис, минерал ўғитлардан кам фойдаланишаяпти, деб изоҳлашди. Тўғри, маҳаллий ўғитнинг самараси катта, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Лекин фосфорли ва калийли ўғитнинг ҳам ўз ўрни бор. Йил бошида «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси билан шундай ўғитларни олиш юзасидан шартнома тузилади-ку? Нима учун шартнома шартлари бажарилмаяпти? Унда шартноманинг нима кераги бор?

Туманда қумоқ, ҳосилдорлиги паст майдонларни фермерларга ажратиш, ернинг бонитетига нисбатан юқори ҳосил белгилаш ҳоллари ҳам мавжуд. "Авангард" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Баракат" фермер хўжалигининг ерлари фикримизга мисол бўла олади. Туманда бундай майдонлар кам эмас. Ушбу ҳол нафақат деҳқонга, балки туманнинг умумий режасига ҳам салбий таъсир қилиши, шубҳасиз. Кузга бориб топшириқ бажарилмайди, натижада мўлжалдаги ҳосилни етиштирмаган фермернинг юзи шувит бўлади. Шу боис ушбу масалани туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллиги раҳбарлари қайтадан кўриб чиқиб, ернинг шарт-шароитини ҳисобга олиб, ҳал қилишлари зарур.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. 380 дан ортиқ фермер хўжалиги мавжуд бўлса-да, улар ичида суғурта ташкилоти билан шартнома тузганлари бармоқ билан санарли. Бизнингча, фермерлар суғурта хизматининг зарурлигини, афзаллик жиҳатларини яхши билишмайди. Ахир, суғурта об-ҳаво мураккаб келган шароитда жуда зарур-ку? Йилнинг қандай келишини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди. Назаримизда, ушбу масалада «Ўзагросуғурта» компанияси туман бўлими мутахассисларининг ҳам маълум даражада айби бор. Улар фермерлар билан яқин ҳамкорликда ишлашлари, лозим бўлса қишлоқ мулкдорларини бу борадаги дунё тажрибаси билан таништириб, тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

Биз бир вилоят мисолида фермерлар дуч келаётган муаммолар тўғрисида сўз юритдик. Бундай ҳолатларни, нафақат Тошкент вилоятида, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Уларни бартараф этиш вазифасини фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки маҳаллий ҳокимият органларига юклаб қўймаслик керак. Мазкур масалага дахлдор вазирлик, компания, уюшма ва идораларнинг раҳбарлари жойларга чиқиб, аҳволни батафсил ўрганиб, муаммоларни ҳал этиш йўлларини излашлари лозим, деб ўйлаймиз. Кун сайин шаклланиб бораётган қишлоқ мулкдорлари — фермерлар ишини мувофиқлаштириш, зарур бўлса, уларга шарт-шароит яратиш, кўмаклашиш агросаноат мажмуига кирувчи ҳар бир ташкилотнинг вазифаси бўлиши зарур. Ана шунда қишлоқ хўжалигида мустақил иш юритаётган фермерларнинг тармоқдаги улуши янада ошади.

Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, улар аграр тармоқнинг келажаги, деб эътироф этилди. Ҳозир ширкат хўжалиги билан фермер тенг ҳуқуққа эга. Уларнинг ваколатлари ҳам бир хил. Бу борада қонун ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Фермерлар ҳам ислоҳотлардаги ўз ўринларини тўғри англашлари, агросаноат мажмуи истиқболи уларга боғлиқ эканлигини ҳис этмоқлари зарур. Синовдан яхши ўтган фермер хўжаликлари бозор муносабатлари талабларига жавоб бериши, дадил оёққа туриши муқаррар. Шундай экан, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш бугунги куннинг устувор вазифаси бўлмоғи лозим.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## «Ибрат»нинг ибрати

*Қоракўл туманида «Ибрат—91» фермер хўжалиги бор. Унинг раҳбари, тажрибали чорвадор Тангри Шукуров (суратда)дан «Нима учун жамоангизга шундай ном бергансиз?» деб сўрасангиз, у «Тадбиркор ҳаммага ибрат кўрсатиши керак, 91 эса фермер хўжалиги ташкил этилган йилни билдиради» деб жавоб беради. Ҳақиқатан ҳам, мана, 12 йилдирки, Тангри ака барчага ибрат бўлмоқда. Бугунги кунда фермер 50 бошдан зиёд қорамол, 300 бошдан кўпроқ қўй-эчки боқиб, эл дастурхонига кўплаб миқдорда гўшт ва сут етказиб бераётир*

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Қишлоқда «Ўзбекистон» маҳсулотлари

*Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо корхонасида кунига буюртма асосида 200 деколитр «Апельсин», «Олча», «Тархун» ичимликлари ва маъданли сув ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, жамоа аҳли бир кеча-кундузда 300 килограммгача турли хил музқаймоқлар тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқда.*

*Эътиборли жиҳати шуки, бу ерда меҳнат қилаётганлар ойига 30-35 минг сўмдан иш ҳақи олиш билан бирга, бепул тушлик ҳам қилмоқдалар.*



***СУРАТДА:** шу жамоанинг илғор ишчиси Тўхтамурод Маматов.*

**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.**

## ЯНА БИР ТУҲФА

***НУКУС (ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ).*** Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги академик лицейнинг янги биноси қуриб битказилди.

Лицей биноси 825 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, барча қулайликларга эга. Бу ерда тўртта компьютер ва тўртта лингафон синфи, ўқув лабораторияларига эга физика, химия ва биология фан кабинетлари мавжуд.

Иморатнинг белгиланган муддатда бунёд этилишида бош пудратчи — "Қизкеткен" очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳиссаси катта бўлди. Пардозлаш ишларини Хива шаҳар "Уста" бирлашмаси қурувчилари амалга оширди. Жами бир миллиард 367 миллион сўмлик иш бажарилди.

Лицей биноси Нукуснинг 70 йиллик юбилейи кунида фойдаланишга топширилади.

# АЛДОВНИНГ ДАВОМИ ВА ... ИНТИҲОСИ

*Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган йилги 15 ноябрь сонида "Меъмор ҳокимни нега алдади?" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унинг мухтасар мазмуни қуйидагича эди: пойтахтимизнинг "Буюк Ипак йўли" кўчаси бўйида жойлашган 4 ва 103-уйлар оралиғидаги йўлак муқаддам хийлагина кенг бўлиб, қатнов учун ўнғай ҳисобланарди. Шу ҳудуддаги кўп қаватли еттита бинода яшовчилар ва транспорт воситалари у ён-бу ён бемалол ўтиб турарди. 1994 йили унинг кириш қисмига Анвар Мўминов исм-шарифли тадбиркор, ҳе йўқ-бе йўқ, "Гули" номли савдо дўкони қуриб олади. Оқибатда йўл torayди. Дўкондан кун бўйи варанглаб эшитилаётган мусиқа товуши, тунги мижозларнинг шовқин-сурони, машиналар моторининг гуриллаши ва эшигининг қарс-қурс очилиб-ёпилиши ён-атрбфдаги аҳолини безор қилади. Анвар Мўминов уларнинг эътирозларига парво қилмайди. Аксинча, орадан етти йил ўтгач, шохобчасини қайта барпо этишга чоғланади. Баҳонада ўзбошимчалик билан эгаллаб олган майдонини ҳам энига, ҳам бўйига кенгайтириш тараддудига тушади.*

Ана шундай бир пайтда мазкур масала бўйича шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган ишчи гуруҳ ҳамда меъморчилик ва қурилиш бош бошқармаси масъулиятсизликка йўл қўяди. Вужудга келган аҳволни пухта ўрганмай, маҳалла аҳли хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмай туриб, тадбиркор илтимосини қондириш юзасидан таклиф-хулоса беради. Шаҳар ҳокими шунга асосан 2002 йил 12 сентябрда 517-сонли қарор чиқаради. Унинг 5-иловасида талабгорга "Гули"ни қўшқаватли қилиб қайта тиклаш ва доимий фойдаланиш учун 20 сотихлик ер бириктириб бериш лозимлигини кўрсатади. Анвар Мўминов жадал ишга киришади. Аввалига ер ости коммуникацияларини рухсатсиз ковлашга шайланиб, дўкон атрофидаги баравж дарахтларга болта уради. Эътироз ва ташвишлари бирон-бир идорада инобатга ўтмаган туб аҳоли ноиложликдан таҳририятимизга шикоят хати йўллайди.

Шунга кўра, мухбиримиз маҳаллага боради. Уй қўмиталари раислари ва "Гули" раҳбари билан суҳбатлашади. Иккала томон ҳам ўзиникини маъқуллайвергач, туман меъмори Олимжон Йўлдошев ҳамда шаҳар меъморчилик ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Тоҳир Содиқовга учрашади. Пировардида дўкон қурилиши масаласи ҳали ёнғин хавфсизлиги, табиатни муҳофаза қилиш, санитария-эпидемиология, фавқулодда вазиятлар, электр ва телефон тармоқлари идораларининг розилиги олинмасдан Меъморий кенгаш муҳокамасига қўйилганини ва қарор чиқариш учун шаҳар ҳокими эътиборига ҳавола этилганини аниқлайди.

"Меъмор ҳокимни нега алдади?" мақоласи эълон қилингач, 4 ва 103-уйларда яшовчиларнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Усмонов, ички ишлар, санитария-эпидемиология станцияси, "Нуроний" жамғармаси мутасаддилари иштирокидаги умумий йиғилиши чақирилади. Ҳудуднинг эгаси "Олтин Чўлпон" уй-жой мулкдорлари ширкати эканлиги, унинг ижозатисиз "Гули"ни қайта қуриш мумкин эмаслиги таъкидланади. Шунингдек, уйлар оралиғидаги йўлни очиб, гаражни, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва ҳожатхонани кўчириш, кўп йиллик дарахтларни нобуд қилишга изн бермаслик бўйича кўрсатмалар берилади. Кейинчалик Р.Усмонов шаҳар ҳокимлигини ушбу йиғилиш тафсилотидан огоҳ этади. Аҳоли норозилигини назарда тутиб, 517-сонли қарор бекор қилинишини ва Анвар Мўминовга бошқа жойдан ер ажратилишини сўрайди. Шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи К.Тожиқулов эса антиқа йўл тутади. 23 декабрда арзгўйлар бир четда қолиб, "Гули" раҳбарига жавоб хати юборади. Унда 517-сонли қарорни қабул қилишда қонунбузилишига йўл қўйилмагани боис прокурорлик таъсири чораларини қўллашга асос топилмаганини билдиради. Бундан руҳланган Анвар Мўминов таҳририятимизга келиб, мақолага раддия беришимизни талаб қила бошлайди.

Начора, шундан сўнг мавзуга қайтишни лозим кўрдик. Масалага ойдинлик киритиш ниятида нуфузли ташкилотларга, жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик. Улар эса масъулиятни газетада танқид қилинган ташкилот зиммасига юклаб қўя қолишди. Мана, оқибати: бошқармадагилар хатоларини мардонавор тан олиш ўрнига мақолани бошдан-оёқ йўққа чиқарувчи эътирознома ҳозирлашибди. Унда дўкондорга ер қандай асосда ажратиб берилгани баён этилгач, шундай жумлалар битилибди (айнан, таҳрирсиз келтирамиз):

**"... Ушбу гуруҳ қўйилган масалани ҳал этиш учун ҳар томонлама қурилиш меъёрлари ва қоидаларига амал қилган ҳолда кўриб чиқди, бунда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, санитария эпидемиология станцияси, ДАН, Фафқулотда вазиятлар хизматларининг розилиги олинган. Умуман бошқармамиз ўз фаолиятида фақат қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга таянган, ҳамда тегишли шаҳар идоралари билан келишилган ҳолда қурилиш ва меъморчиликка доир барча талаблар асосида иш олиб боради.**

**Муҳбир Б.Остонақуловнинг мақолада келтирилган уйдирма, қурилиш меъёрлари ва қоидаларидаги ўрнатилган рақамларни билмай туриб, текширмай, ҳужжатларни чуқур ўрганмай ва ҳеч қандай фактларга асосланмай бўхтон хукм чиқариб мақола чоп эттирган.**

**Масалан:**

**1."Гули" дўкони билан "Арзанда" МЧЖ га тегишли бўлган кафе оралиғидаги масофа 2,85 м, оёқ кийим таъмирлаш устахонаси жойлашган масофа 1,05 ни ташкил этади, мақолада эса 70-80см деб ёзилган.**

**2. Лойиҳада 103-уй кўрсатилмаган деб ёзилган, лекин ҳамма лойиҳаларда 103-уй кўрсатилган.**

**3. Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига асосан дўкон билан 103-уйнинг оралиқдаги масофа 6,0 м. ва "Арзанда" МЧЖ кафесидан 4,8 м, масофада бўлиши мумкин, мақолада қизил чизиқларга чиқиб кетган 11 м деб ёзилган. Қизил чизиқ нималигини Б.Остонақулов ўзи билармикин. Ўша қизил чизиқдан дўкон**

**Мавзуга қайтиб**

**9,0 м масофада ичкарида турибди.**

**4. "Дўкон лойиҳаси 2002 йилнинг 4-январида ҳеч кимнинг розилигисиз шаҳар Меъморчилик ва қурилиш кенгашида тасдиқланиб, тўғридан-тўғри шаҳар ҳокими қарор чиқариш учун фатво берилади" деб нотўғри ёзган.**

**Юқорида қайд этилганидек эскиз лойиҳаси Меъморий кенгашда тасдиқлангандан кейин, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2001 йил 13-сентябрдаги 407-сонли қарорига асосан тасдиқланган "Ишчи гуруҳи" томонидан ҳужжатларни қайта кўриб чиқилади ва шаҳар ҳокимиятига қарор қабул қилиш учун берилади. Юқорида 4 та мисол келтирилди, бунақа мисолларни мақолада жуда кўп учратса бўлади.**

**Бошқарма бошлиғи**
**М.М. Шагаев".**

Ҳолбуки, 103-уйга, у билан 4-уй ва "Арзанда"га қарашли қаҳвахона оралиғидаги масофаларга, қизил чизиққа доир гаплар мухбиримизга тааллуқли эмасди. Аксинча, арзгўйлар билдирган фикр-мулоҳазалар эди. Шу боис ҳамкасбимиз уларни шарҳламаганди. Асосий эътиборни иншоот кенгайтирилса, йўл тағин-да торайиши, аҳоли тинчлиги бузилиши, бу фавқулодда ҳолатларда дард устига чипқон бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигига қаратганди. Мақолани синчиклаб ўқиган одам буни осонгина илғаб олиши мумкин.

Бас, шундай экан, жаноб М. Шагаев мухбирни оралиқ масофани 0,25-2 метрга кам кўрсатиб, бўхтон ҳукм чиқарган, деб айблашдан кўра шохобчанинг ўша жойда қад ростлагани бунёдкорлик андозаларига мос келиши ёки келмаслиги билан қизиқса, мақсадга мувофиқ бўларди. Борди-ю, ишчи гуруҳ орқали қарор чиқариш учун ҳокимликка тавсия этилган эскиз лойиҳаси аслида бошқарма Меъморий кенгашида шошмашошарлик билан тасдиқланганини тан олиб, хатони тўғрилаш чораларини излаганида, нур устига нур бўларди.

Дарвоқе, бундай дейишимиз бежиз эмас. Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси А. Тохтаевнинг бизга хабар қилишича, ушбу муаммо ўтган йил охирида шикоятчилар ҳамда дўкон эгаси иштирокида бош бошқарма тақдим қилган ҳужжатлар асосида жойида ўрганилган. Шу жараёнда аниқланишича, Анвар Мўминовга Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг 1994 йил 8 октябрдаги 1340-хф сонли фармойишига биноан 3-уй ёнидаги дўконни 5x3 метр ҳажмида қайта таъмирлаш учун рухсат берилган. Бироқ у тартиб-қоидани қўпол тарзда бузган. Шохобчани, микротуманга кириш йўлагини тўсган ҳолда, 10x8 метр ҳажмида таъмирлаган. Шу асно ўзбошимчалик билан қўшимча ер майдонини эгаллаб олган. Устига устак, ўша фармойишга мувофиқ дўконни қайта қуриш лойиҳа ҳужжатларини қўмита вакилларига кўрсатмаган.

Текширишда, шунингдек, "Гули" билан "Арзанда" масъулияти чекланган жамияти қаҳвахонаси ўртасидаги масофа 2,85 метрдан ошмаслиги, бу амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига номутаносиблиги, ишчи гуруҳ ва бош бошқарманинг таклиф-хулосалари масалани жойига чиқиб жорий қонунлар асосида атрофлича ўрганилмасдан берилгани маълум бўлади. Бундан ташқари, Меъморий кенгаш маъқуллаган лойиҳа эскизи ўзаро таққосланганида иншоот ҳажм жиҳатидан катталиги, шаҳарсозлик кодексига зидлиги, ёнғин хавфсизлиги масофаси қисқаргани, санитария талабларига жавоб бермаслиги ҳам аёнлашади. Бу борада рўй берган хато-камчиликлар ҳақида шаҳар бошқармасига хат юборилади. Қўмита мутахассислари "Дўкон "Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларини режалаштириш ва қуриш" қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг 12-иловаси 1-жадвалига хилоф равишда жойлаштирилгани, микротуманга транспорт ва одамлар кириб-чиқадиган йўлак бекилгани, метрога тушиш жойи атрофида бинолар мужассамлаштирилгани туфайли фавқулодда ҳодисалар хавфи туғилган", деган тўхтамга келадилар. Жорий йилнинг 6 мартида эса республика Бош прокуратурасига Тошкент шаҳар ҳокимининг бултурги 517-сонли қарори бекор қилиниб, "Гули" бошқа жойга кўчирилиши, йўлак қайта тикланиши зарурлиги хусусида хулоса берадилар. Бу хулоса инобатга олинади. 31 март куни Тошкент шаҳар прокуратураси қарорнинг муайян қисмига нисбатан эътирознома киритади. Бир неча дарахтнинг умрига зомин бўлгани учун Анвар Мўминов шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилади. Унга 13605 сўм миқдорида жарима солинади. Мана шундай бир вазиятда меъморчилик ва қурилиш бошқармаси раҳбариларининг ҳеч нарсадан бехабардек иш юритишлари, прокуратура протест киритган куннинг эртасига газета чиқишини туҳматга йўйиб таҳририятга жавоб йўллашлари ғоят ажабланарлидир.

Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди? Можаро қандай якун топди?

Марҳамат, эшитинг: шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов 15 апрель куни прокуратура эътирозномасига биноан 517-сонли қарорнинг 5-иловасини бекор қилиш, дўконнинг эскиз лойиҳасини маъқуллаган ишчи гуруҳ фаолиятини ўрганиб чиқиб, камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш бўйича қарор қабул қилди.

Энди ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: шаҳар меъморлари аввалига ҳокимни чалғитиб, нотўғри қарор имзоланишига сабабчи бўлишганди. Бу сафар-чи? Кимни алдамоқчи бўлишди — таҳририятними ёки ўзлариними? Бунисини билмадик, фақат бир нарсани баралла айта оламиз: ёлғоннинг умри ҳамиша қисқа бўлади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Бироқ баъзан ҳақиқат қарор топгунча ортиқча вақт, ортиқча сарф-харажат йўқотилади. Асаблар таранглашиб, ишонч туйғуси дарз кетади. Бинобарин, меъморлар аввал-бошданоқ вазифаларига масъулият билан ёндашганларида, жилла қурса, қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутмай, танқиддан тўғри хулоса чиқариб олганларида ҳаммаси жойига тушарди. "Бўз — 2" маҳалласи аҳли ойлаб-йиллаб идорама-идора сарсон-саргардон кезмасди. Ва ниҳоят, бизнинг мавзуга қайтишимизга ҳам ҳожат қолмасди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

*ушбу мақола саҳифаланаётган пайтда яна бир ҳужжат пайдо бўлди. Унда таъкидланишича, шаҳар ҳокими аҳоли илтимосига кўра 103-уй олдидаги «Гули» дўконини икки ҳафта ичида бузиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берган. Бироқ шохобча фаолият кўрсатишда давом этаверган. Шунга кўра, шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг Мирзо Улуғбек тумани бошқармаси бошлиғи Т.Исмоилов «Гули»ни ижарага олган «Рябина» хусусий фирмаси директори Ю.Жегаллога 4 июнь куни хат йўллаган. Унда ушбу иншоот ноқонуний қурилгани боис бузилиши кераклигини, савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасини бекор қилиш учун топшириши ва савдо-сотиқни тўхтатиши лозимлигини эслатган. Қолган хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.*

